ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-170-174

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ НАМОЁНДАЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Ч. А. Азимова
Тошкент архитектура қурилиш институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг ёш авлодни соғлом турмуш тарзи билан тарбиялаш ҳамда баркамол авлод қилиб шакллантиришда маърифатпарварлик, одоб-ахлоқ борасидаги қарашлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жадид, урф-одат, одоб-ахлоқ, оила, маҳалла.

ENLIGHTENMENT IDEAS IN THE VIEWS OF REPRESENTATIVES OF THE JADID MOVEMENT

ASTRACT

The article analyzes the views of representatives of the Jadid movement on education, morality in the upbringing of the younger generation with a healthy lifestyle and the formation of a harmoniously developed generation.

Keywords: jadid, tradition, etiquette, family, mahalla.

Болаларни писанд қилмаган миллатлар инқирози
уларни ёт қўлларга ва ёт маданиятлар ихтиёрига бериб
қўйганликлари сабаблики, улардан айрилишга маҳкумдирлар.
А.Авлоний

КИРИШ

Давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни нафақат ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, балки маънавий-маданий, ижтимоий ва ахлоқий етук, мустақил фикрловчи баркамол авлодни вояга етказишдир. Мана шу юртда яшаётган ёшларни ҳар томонлама мукаммал инсон қилиб тарбиялашни бугун замоннинг ўзи тақозо қилиб қўймоқда. Кўзланган мақсадга миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни сақлаб қолиш, қадрятларга содиқ қолган ҳолда, замонавийликка эришиш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, қисқача қилиб айтганда, миллий маънавиятимизни юксалтириш орқалигина эришишимиз мумкин. Зеро фақатгина маънавият шахснинг, халқнинг, миллатнинг, давлатнинг, қолаверса, жамиятнинг кучи ва қудрати, инсоният тараққиёти ва истиқболини белгиловчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-170-174

ички бир ижобий руҳий омил бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қаралганда Президент Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ёшларда юксак маънавиятни ривожланитриш ва юксалтириш борасида буюк аждодларимиз, хусусан жадидларнинг таълим тарбия тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларининг муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”[1].

Шу билан биргаликда, юртбошимиз ёшларнинг маънавий тарбиясида оила, маҳалла, тарбия муассасалари, барча ижтимоий давлат ва нодавлат институтларнинг амалий ҳамкорлигига эришиш улар орасида маънавий, ғоявий ҳамжиҳатлик руҳини янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида урғу беради.

МЕТОДОЛОГИЯ

Мақолада мантиқийлик, функционал-тизимлилик, таҳлил каби методлардан, шунингдек жадидчилик ҳаракати намоёндалари тадқиқотларидан фойдаланилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўтган асрнинг бошларида яшаб ижод этган жадидчилик намоёндалари ҳам бу масаланинг моҳиятини теран англаган ҳолда жамиятни маънавий-марифий ривожлантириш, халқни айниқса ёшларни илм-маърифатга етаклашни ўзларининг юксак мақсади қилиб белгилашган. Улар ёшлар тарбиясида диний ва дунёвий билимларни бир-биридан ажратмасдан, миллий ўзликни сақлаган ҳолда замонавийликка эришишга ҳаракат қилишган. Айнан шу жиҳатдан қаралганда Маҳмудхўжа Беҳбудий халқни илм-маърифатли бўлишга чорлаб, жамиятни дунёга очиқ кўз билан қарашни, замонавий хўжалик юритишда билим, фан билан қуролланиб фаоллик кўрсатишни талаб қилиб, “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”[2, 200], деган ҳаққоний фикрлари билан халқни уйғотишга ҳаракат қилади. Тараққиётга элтадиган бирдан-бир ишга яроқли тарбия усули сифатида И.Гаспринскийнинг “усули жадид”ини тинмай тарғиб қилади. Ҳаётнинг турли соҳаларига таалуқли замон руҳидаги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-170-174

билимларни юксак тарбиявий талабчанлик билан бошқаларга қараганда қизиқарлироқ, оддийроқ тарзда, халқ тилида ёйишга ҳаракат қилади.

Барчамизга маълумки, шахс маънавияти энг аввало оила муҳитида шаклланади. Бугун оилада қанақа муҳит ҳукмронлик қилаётган бўлса, эртага шу оилада тарбияланаётган фарзанд бевосита ана шу муҳитнинг давомчиси сифатида бунёд бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлод онги ва тафаккурининг кучи шундаки, у айнан ёшлик даврида ён-атрофдан олган таассуротларини хотирасида сақлаб қолади. Оиладаги одоб-ахлоқ нормалари, ўзаро муносабат қанчалик юксак бўлса, у муҳитда вояга етаётган фарзанд ҳам шунга монанд бўлади. Шу маънода биз оилани ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва муҳити деб эътироф этишимиз мумкин. Миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён ота-боболар ўгити, она меҳри орқали амалга ошади.

Асрлар мобайнида сақланиб келаётган оиланинг муқаддас анъаналари орқали Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўникмалари шаклланади. Зеро, ҳар бир шахс оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватанни остонадан бошланишини тушунмасдан туриб, мукаммал инсон саналмайди.

Шарқ мутафаккирларининг қарашларида соғлом миллатнинг вужудга келишида оила, оилавий тарбиянинг ролини юқори қўйишган, айниқса инсоннинг ақлий ва ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва тарбияловчи вазифаларига алоҳида эътибор беришган. Аждодларимиз фақат оиладагина шаклланиши мумкин бўлган сифатлар – ҳалоллик, поклик, мардлик, меҳрибонлик, ростгўйлик каби бир қатор инсоний фазилатларни барча сифатлардан юқори қўйишлари билан биргаликда инсоний муносабатларда намоён бўладиган юксак сифатлар, аввало, ота-онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсири каби қимматли фикрлар ва бу борадаги амалий кўрсатмаларни ўз фалсафий-ахлоқий, бадиий-илмий, шеърий ва насрий қарашларида ифодалаб берганлар.

Ўзининг салмоқли ижоди билан жадидчилик ғояларини мазмунан бойитган Абдурауф Фитрат “Оила” асарида оиланинг миллат ва жамият асосини ташкил этишини таъкидлаб, унинг давлат, ҳуқуқ, маърифат, тиббиёт билан боғлиқ томонларини муҳокамага қўяди. Оиладаги муҳит, фарзанд тарбияси каби масалаларни бутун бир миллатнинг тақдири билан боғлаб кўрсатади. У, “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта шу халқнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-170-174

ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”[3, 13], деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган миллий қадриятларни ривожлантиришни таъминлайдиган янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий, жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган муқаддас маскан ҳисобланади. Оилада соғлом муҳитни яратиш эса, ўз навбатида, ҳам ота, ҳам онанинг зиммасига бирдек масъулият юклайди. Зеро, ота-онада фидоийлик, ҳалоллик, меҳр-мурувват деган тушунчалар қай даражада ривожланган, амалиётда қай даражада йўлга қўйилган бўлса, фарзанд ҳам ундан ўрнак олиб, уларга муносиб фарзанд бўлиб, ватанни авайлаб, асрашга ҳаракат қилади. Фикримизнинг далили сифатида файласуф Монтескъенинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтаман: “болаларда ватанга муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаси – оталарнинг ватанни севишларидир” [4, 289].

Оила мустаҳкамлиги, унда фарзандларнинг камол топиши ва эзгу фазилатларга эга бўлиб тарбияланишида маърифатли, юксак маънавиятли, зукко оналарнинг ўрнини алоҳида этироф этиш лозим. Фитратнинг юқоридаги асарининг “Қизлар ҳам илм олишлари керакми?” деб номланувчи қисмида шундай фикрлар баён этилади: “ Биз фарзандларимизни яхши хулқ эгаси қилиб тарбиялашимиз лозим, ... Бу матлабга эришишимиз учун хотинларимиз ва қизларимиз – миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда хотинларимиз эркаклардан ҳам қўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар ”[3, 98]. Дарҳақиқат, фарзанд илк бор меҳр ва садоқат, эзгулик ва яхшилик, мардлик, ғурур, ифтихор ва чин инсонийлик сабоғини онадан олади. Шу сабабли бугунги кунда юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳаётда улар фаоллигини янада ошириш, айниқса, қизларимизнинг талим-тарбия олишлари учун етарли шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда Олий таълим муассасаларида қизлар учун алоҳида давлат грантларининг ажратилиши фикримизнинг яққол далили бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек халқининг энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб қадриятлардан бири ота-онанинг фарзандлар томонидан юксак даражада эъзозланиши, уларнинг ҳурматини жойига қўйишдан иборатдир. “Оила” асарининг “Ота-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-170-174

онанинг ҳақ-ҳуқуқлари” қисмида ота-онининг фарзанд устидан ҳақлари, уларни ҳурмат қилиш, доимо уларни хизматида бўлиш ва шу каби бир қанча жиҳатлар ҳадислар мисолида батафсил ёритиб берилади. Чунки, биз қайси даврда яшамайлик шарқона қадриятларимизга кўра ота-онани ҳурмат қилиш, уларга иззат-икром кўрсатиш инсонийликнинг олий даражаси сифатида эъзозланаверади.

Оилада тарбия жараёнининг яхши йўлга қўйилганлиги таълим-тарбия муассасаларида амалга оширилиши керак бўлган ишларни бирмунча енгиллаштиради. Ёшларга билим бериш билан бир қаторда уларнинг тарбиясига ҳам эътибор қаратиш вазифаси таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган устоз – муаллимлар зиммасига масъулият юклайди.

Янги авлод тарбияси билан шуғулланган жадидчи, педагог А.Авлоний ҳам ўз даврининг зиёлиси сифатида ёшларни ҳалол, уддабурон, матонатли, саҳоватли, ватанпарвар қилиб тарбиялаш учун астойдил ҳаракат қилган. Ақлнинг илм ва тажриба соясида камол топишига ишора қилган адиб учун болаларда фикрлаш иқтидорини ҳосил қилиш, фикр тарбияси бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа ҳисобланади. Бинобарин, у муаллимларнинг “диққатларига суялган, виждонларига юкланган”. Болаларнинг фикрлаши тарбиячининг ўзининг фикрлаш, интилиш доираси, савияси билин ҳам алоқадор [5, 98]. Буюк маърифатпарваримизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалик муҳим, долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўпроқ муҳим ва долзарбдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёш авлодда ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш учун оила, маҳалла ва таълим муассасаларинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғлом бўлишида ўзига хос аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/president-speech/
2. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2006.
3. Фитрат А. “Оила”. – Т.: “Маънавият”, 2000.
4. “Ҳақиқат манзаралари”. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.
5. Авлоний А. Танланган асарлар. – Т.: 2006.